

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

---

**ЮЛДАШЕВ МУЗАФФАР АБДУВАХОБОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ҚУЙИ АНОРЕКТАЛ НУҚСОНЛАРНИ ТАШХИСЛАШ  
ВА ЖАРРОХЛИК УСУЛИДА ДАВОЛАШНИ АСОСЛАШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Юлдашев Музаффар Абдувахобович**

Болаларда қўйи аноректал нуқсонларни ташхислаш ва жаррохлик  
усулида даволашни асослаш..... 3

**Юлдашев Музаффар Абдувахобович**

Обоснование диагностики и хирургического лечения нижних  
аноректальных пороков у детей..... 27

**Yuldashev Muzaffar Abduvakhobovich**

Rationale for the diagnosis and surgical treatment of lower anorectal  
malformations in children..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 57

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

---

**ЮЛДАШЕВ МУЗАФФАР АБДУВАХОБОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ҚУЙИ АНОРЕКТАЛ НУҚСОНЛАРНИ ТАШХИСЛАШ  
ВА ЖАРРОХЛИК УСУЛИДА ДАВОЛАШНИ АСОСЛАШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Tib2325 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.adti.uz](http://www.adti.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Гафуров Адхам Анварович</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Акилов Хабибулла Атауллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Оллобергенов Одилжон Тожиidinovich</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Озарбайжон тиббиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.tib.95.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс:(+998)74-223-94-50;e-mail:info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти мажлислар зали

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.М. Мадазимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Ф. Нишанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б.Р. Абдуллажанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Аноректал мальформациялар (АРМ) чақалоқлар, гўдакларда учрайдиган жарроҳлик патологияларининг салмоқли хиссасини ташкил этиб, тирик туғилган 5000 чақалоқдан биттасида учрайди ва оғир ногиронликка олиб келувчи туғма нуқсонлар тоифасига киради. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси “Туғма нуқсонлар” га бағишланган резолюциясига кўра «...туғма нуқсонлар ва ривожланиш аномалиялари таркибида АРМ нисбати 7% дан ортмоқда ва кўплаб туғма касалликлар детерминантлари билан бир қаторда неонатал даврда яшаб қолган болаларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда...»<sup>1</sup>. Ушбу туғма аномалиялар клиник жиҳатдан оддий қуйи шакллардан то мураккаб юқори нуқсонларгача бўлган кенг кўламда намоён бўлиб, уларни самарали олиб бориш ва даволаш болалар жарроҳлари зиммасига мураккаб ва муҳим клиник вазифаларни юклайди. АРМ қуйи шакллариининг мураккаб эмбриологияси, анатомо-функционал жиҳатдан турлилиги ҳамда, кўпинча бошқа туғма нуқсонлар билан бирга учраши уларни аниқ ташхислаш ва самарали жарроҳлик усулини танлашни мураккаблаштиради. Қуйи АРМ га доир жарроҳлик амалиётларидан кейин асоратлар даражаси унинг юқори турларига нисбатан анча паст бўлса-да, ҳар бир ҳолатда функционал фаоллик, фекал инконтиненция, стеноз ва дефекация билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин. Бу эса қайта жарроҳлик аралашувларига эҳтиёжни орттиради, ҳаёт сифатига салбий таъсири эса ижтимоий жиҳатдан нафақат болалар жарроҳлигининг, балки замонавий педиатриянинг долзарб масаласидир.

Жаҳонда болалар колопроктологияси соҳаси сўнгги ўн йилликда АРМ, жумладан унинг қуйи шаклларни ташхислаш ва даволашда жиддий ютуқларга эришган бўлса-да, бу йўналишда ҳал этилмаган қатор муаммолар ҳамон мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Замонавий визуализация усуллари ва микрохирургик технологияларнинг жорий этилиши, бир босқичли операцияларнинг клиник амалиётга фаол татбиқ этилаётгани, шубҳасиз, даволаш самарадорлигини оширади. Бироқ, аноректал канални тиклашда тўқималарни сақлаб қолиш, операция ҳажмини аниқлаш ва узоқ муддатли функционал натижаларни таъминлаш бўйича тактик ва услубий ёндашувлар ўз ечимини топмаганлиги болалар жарроҳлиги олдида турган ечимга муҳтож муаммолардан ҳисобланади. Қуйи аноректал мальформацияларда қўлланиладиган жарроҳлик усулини танлаш масаласи ҳам клиник, ҳам функционал омилларга боғлиқ ҳолда юқори даражада индивидуал ёндашувни талаб қилади. Бу ерда боланинг жинси, анатомик нуқсоннинг шакли, сфинктер аппаратининг ривожланиш даражаси ҳамда фистулаларнинг бор-йўқлиги ҳал қилувчи омиллардан саналади. Шу боис, ҳар бир ҳолатда жарроҳлик тактикаси персонификация тамойилига кўра асосланиши нафақат анатомик тикланиш, балки боланинг келажақтаги ҳаёт сифати ва ижтимоий мослашувини таъминлаш имконини беради.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш доирасида

---

<sup>1</sup>Birth defects surveillance: a manual for programme managers, second edition. Geneva: WHO; 2020.

болалар саломатлигини таъминлаш, жумладан АРМ билан туғилган болаларга юқори малакали жарроҳлик ёрдами кўрсатиш, даволашнинг самарали ва кам жароҳатли усуллари жорий этиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. «Ўзбекистон-2030» стратегиясининг аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича ислохотларини таъминлашда «...болалар ўртасидаги ирсий касалликларни қисқартириш, гўдаклар ва беш ёшгача болалар орасидаги ўлимни 2 баробарга камайтириш...» вазифалари киритилган<sup>2</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, АРМ ларни даволашда қўлланилаётган замонавий жарроҳлик усулларининг клиник самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолаш, унинг ҳаёт сифатига таъсирини ўрганиш ва даволаш стандартларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПФ-88-сон «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябридаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 08 сентябрдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Муаммонинг узок муддат мобайнида ўрганилганига қарамасдан, АРМ нинг морфологик хилма-хиллиги, клиник намоён бўлиш хусусиятлари ва операциядан кейинги функционал натижаларга кўра индивидуал ёндашувни талаб қилиши сабабли халқаро ва миллий даражада ушбу муаммони тўлиқ қамраб олган, унинг турли шакллари самарали ташхислаш ва даволашга қаратилган илмий ишлар сони ортиб бормоқда (В.И. Аверин, 2019; М.М.Алиев, 2019; М.А. Аксельров, 2024; Tofft L. et all., 2024). Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, АРМ нинг юқори шакллари оид кўплаб тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, унинг қуйи шакллари бўйича таҳлиллар нисбатан чекланган. Қуйи АРМ лар ташхисотидаги мураккабликлар, уларнинг кўпинча кеч аниқланиши, оқмаларнинг ноаниқ жойлашуви ушбу шакллари илмий ўрганишдаги асосий қийинчиликларидан ҳисобланади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, хирургик даво самарадорлиги ва узок муддатли функционал натижалар нуқтаи-назаридан АРМ нинг қуйи шакллари анча истикболли саналади (M.Tulegenov, R. Abdullayev,

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисидаги Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й.

2019; S.Wang, Y.Zhang et al., 2020; T.Dobbs, A.Gosain, 2021; J.D.Garcia, A.Scott, 2022). Бирок, қуйи шакллар учун таклиф қилинган жарроҳлик усулларининг кўплиги сабабли мутахассислар орасида ҳар бир усулнинг афзаллик ва камчиликлари юзасидан мунозаралар сақланмоқда (R.J.Wood, M.A.Levitt, 2018). Европа ва Америка болалар жарроҳлари жамияти тавсияларига кўра, усул танлашда нуқсоннинг анатомик хусусиятлари, марказнинг техник имкониятлари ва жарроҳлик тажрибаси инобатга олинishi лозим (EUPSA Guidelines, 2020, T.Smith et al., 2024, A.Rialon et al., 2025).

Кўпчилик мутахассислар, шунингдек Ўзбекистондан қатор олимлар дастлаб колостомия ўтказиш, сўнгра боланинг вазни маълум массага етганда проктопластика ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги фикрни маъқуллайдилар. Бунга асос қилиб эса чанок соҳаси мушак тузилмалари, кичик чанок аъзолари, тўғри ичак қон томирлари ва нервларига жароҳат етказмаган ҳолда ва техник хатоларсиз мураккаб операцияларни бажариш учун оптимал шароитларнинг яратилиши деб ҳисоблайдилар (М.М. Алиев, 2022; Н.Ш.Эргашев, Ф.А.Отамурадов, 2016; Д.О. Атакулов ва ҳаммуалл., 2020, 2021; А.Ж.Хамраев, Д.Б.Рахмонов, 2020; Ш.Ж.Шамсиев ва ҳаммуалл., 2021). Бирок, охириги ўн йилликда анус атрезиясини даволаш бўйича орқа сагиттал анопластика (PSARP), олдинги сагиттал анопластика (ASARP), лапароскопик аноректал реконструкция каби бир босқичли замонавий усуллар таклиф қилинмоқда (А.К.Wakhlu et al., 2021, F.Becmeur et al., 2024, Q.Ballouhey et al., 2025). PSARP усули Pena ва DeVries томонидан 1982 йилда таклиф қилинган бўлиб, ҳозирги кунда кўпгина халқаро ташкилотлар ва экспертлар томонидан «олтин стандарт» сифатида тан олинган. Унинг афзалликлари сифатида аниқ анатомик тикланиш, юқори функциявий натижалар ва кенг клиник тажриба қайд этилади. Бирок, PSARP усулида орқа томондан жарроҳлик йўли билан кириш талаб қилинади, бу эса баъзи ҳолатларда тўқима травматизацияси ва косметик нуқсонлар хавфини оширади (CWY Wong, 2021). ASARP усули асосан қиз болаларда вестибуляр фистулали анус атрезияси учун таклиф қилинган бўлиб, олд томондан амалга оширилади. Бу усулнинг афзалликлари сифатида кам жароҳатланиш, яхши косметик натижа ва қисқа муддатли реабилитация қайд этилади (А.К. Wakhlu et al., 2021). Шу билан бирга, ASARP усулининг техник имкониятлари чекланган ва юқори локализацияли атрезияларда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас (R.J.Rintala, 2022). Лапароскопик усуллар эса кўпинча юқори атрезияларда кам инвазивлик таъминлашига қарамай, ушбу усул юқори малакали жарроҳлик тажрибасини талаб қилади.

Юқорида келтирилган илмий жиҳатлар қуйи аноректал нуқсонларда энг мақбул хирургик усулларни танлашнинг долзарб масалаларини белгилайди. Аноректал нуқсонларда хирургик даволаш усулларининг турли-туманлиги, уларни кам асоратланувчи турлари борасида баҳс-мунозараларнинг ҳанузгача давом этаётганлиги, адабиётларда мазкур муаммо ечими бўйича исботланган маълумотларнинг камлиги тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим**

**муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №19600714-сон «Болаларда туғма нуқсонлар диагностикаси ва хирургик даволашда янги технологияларни ишлаб чиқиш» илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда қуйи аноректал нуқсонларни ташхислаш сифатини ошириш, бир босқичли жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш орқали операциядан кейинги натижалар ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда хазм тракти туғма нуқсонлари таркибида аноректал мальформациянинг қуйи шакллари тарқалишини ўрганиш, операциядан кейинги асоратлар ривожланиши сабабларини таҳлил қилиш;

болаларда аноректал малформацияларнинг қуйи шакллари ташхислашда рентгенологик ва ультрасонографик визуализация усуллари самарадорлигини баҳолаш;

қуйи аноректал туғма нуқсонларда техник жихатдан такомиллаштирилган бир босқичли радикал жарроҳлик усуллари самарадорлигини асослаш;

қуйи аноректал туғма нуқсонларда хирургик даволаш натижаларининг таҳлили асосида болалар ҳаёт сифати ва аноректал тизим функциясини яхшилаш бўйича диагностик ва тактик алгоритм ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2015 - 2024 йилларда Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида АРМ нинг қуйи шакллари билан даволанган 127 нафар бемор ва 20 нафар амалий соғлом болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** болаларда қуйи аноректал туғма нуқсонларни ташхислашда рентгенологик ва ультрасонографик визуализация усуллари, шунингдек бир босқичли радикал жарроҳлик усуллари самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, ретроспектив ва проспектив таҳлил маълумотлари, баҳолаш шкалалари натижалари, инструментал, функционал ва статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аноректал мальформацияларнинг анатомик шаклини ташхислашда про-латерал рентгенография ва трансперинеал эхосонография усуллариининг диагностик самарадорлиги уларнинг 92,3-97,0% сезувчанлик ва 85,7-100% махсусликда 24 соатгача эрта муддатларда, ортиқча нурли юкламасиз ташхис аниқлигини 20% га ошириши билан исботланган;

қуйи аноректал нуқсонларда таклиф қилинган бир босқичли техник такомиллаштирилган аноректопластика усуллариининг хирургик самарадорлиги операция вақтини  $89,4 \pm 9,82$  дақиқага, қон йўқотиш ҳажмини  $108,6 \pm 36,7$  мл гача камайтириши, асоратланиш даражасини 25,0% дан 10,2% гача камайтириш, функционал натижаларни 1,5 марта ошириши аниқланган;

узоқ муддатли кузатувларда BCS ( $11,61 \pm 4,41$ ) ҳамда PedsQL ( $91,0 \pm 3,2$ ) шкалалари натижаларида узвий коррелятив боғлиқлик мавжудлиги таклиф



қилинган тактик ва техник ёндашувларнинг беморларда функционал самарадорлик ва ҳаёт сифатини яхшилаши исботланган;

аноректал мальформациялар диагностикасида замонавий визуализация ва хирургик даволашда такомиллаштирилган бир босқичли радикал усулларни ўз ичига олган диагностик-тактик алгоритмнинг самарадорлиги асоссиз хирургик аралашувлар сони, асоратлар хавфини камайтириши ва узоқ муддатли клиник ҳамда функционал натижаларни яхшилаш имконини бериши билан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

трансперинеал эхосонография ва прон-латерал рентгенография орқали тўғри ичак охири-оралиқ масофани аниқ баҳоланиши жарроҳлик тактикасини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

қўйи аноректал мальформацияларнинг жарроҳлик коррекциясида қиз болаларда тўғри ичак деворини қин деворидан тўлиқ ажратиш ва қон таъминоти сақланган сегментни мобилизация қилиш, шунингдек, ўғил болаларда фистуласиз ва перинеал фистулали шаклларда деворни тўлиқ ажратиш ҳамда анатомик структуралар, ташқи сфинктерни сақлаб қолишга қаратилган ёндашувлар татбиқ қилинган;

операциядан кейинги даврда инфекцион асоратлар хавфини камайтириш мақсадида барча беморларда камида 5 кун энтерал танаффус ўтказиш, адекват антибиотикотерапия ва яллиғланишга қарши даво чораларини қўллаш тавсия этилган;

операциядан кейинги 10–14 кунларда неоанусни бужлаш амалиётини бошлаш ва уни босқичма-босқич буж ўлчамларини ошириб борган ҳолда болалар жарроҳи назорати остида амалга ошириш ануснинг ёшга мос диаметри шаклланишини таъминлаши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, шунингдек, текширилган беморлар сони етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумклиник, инструментал ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қўйи аноректал мальформацияларда прон-латерал рентгенография ва трансперинеал эхосонография усулларининг ортиқча нури юкламасиз, юқори сезувчанлик ва махсусликда эрта ташхис имконини бериши, шунингдек такомиллаштирилган бир босқичли аноректопластика усулининг операция вақти ва қон йўқотишни камайтириши, асоратлар частотасини пасайтириши ва функционал натижаларни ошириши орқали хирургик даволашнинг назарий асосларини мустаҳкамлаши ҳамда узоқ муддатли кузатувларда функционал кўрсаткичлар ва ҳаёт сифати ўртасидаги узвий боғлиқликни очиб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўйи аноректал

мальформацияларда тўғри ичак охири–оралик масофани трансперинеал эхосонография ва прон-латерал рентгенография орқали аниқ баҳолаш орқали жарроҳлик тактикаси танловини белгилаш, қиз болаларда тўғри ичак деворини қин деворидан тўлиқ ажратиш ва қон таъминоти сақланган сегментни мобилизация қилиш, ўғил болаларда эса фистуласиз ва перинеал фистулали шаклларда анатомик структуралар ва ташқи сфинктерни сақлаб қолишга қаратилган ёндашувларни татбиқ этиш, операциядан кейинги даврда инфекцион асоратлар хавфини камайтириш мақсадида энтерал танаффус, адекват антибиотикотерапия ва яллиғланишга қарши даво чораларини тавсия қилиш ҳамда неоанусни белгиланган муддатларда босқичма-босқич бужлаш орқали ёшга мос анатомик ва функционал натижаларга эришиш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** қуйи АРМ аниқланган бемор болаларни даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: аноректал мальформацияларнинг анатомик шаклини ташхислашда прон-латерал рентгенография ва трансперинеал эхосонография усуллариининг диагностик самарадорлиги уларнинг 92,3-97,0% сезувчанлик ва 85,7-100% махсусликда 24 соатгача эрта муддатларда, ортиқча нурли юкламасиз ташхис аниқлигини 20% га ошириши билан исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 декабрда 61-87/и-сон билан тасдиқланган “Чақалоқларда анус атрезиясини ташхислашда трансперинеал эхосонография усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 29 январдаги 16-сон ва Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 14 февралдаги 12/к-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 16 апрелдаги 000122-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: аноректал мальформацияларнинг анатомик шаклини прон-латерал рентгенография ва трансперинеал эхосонография ёрдамида эрта муддатларда юқори аниқликда аниқлаш ва ортиқча босқичли амалиётлардан қочиш имконияти болаларнинг ҳаёт сифатини ошириш, ота-оналарнинг психоэмоционал барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: анъанавий рентгенологик текширув ҳар бир бемор учун ўртача 172 000 сўм харажат талаб этса, трансперинеал эхосонография усулида бу кўрсаткич 21 000 сўмни ташкил қилади. Яъни бир бемор ҳисобида 151 000 сўмгача харажатлар қисқариши мумкин. Бир йилда ўртача 22 та бемор текширувдан ўтказилишини ҳисобга олсак, умумий иқтисодий самарадорлик бир муассаса учун 3 322 000 сўмни ташкил этади. Шунингдек, эрта ташхис асосида бир босқичли операция бажарилган беморларда шифохонада бўлиш муддати ўртача 6 кунни, икки босқичли операцияларда эса 14 кундан ортиқни ташкил этади. Бир бемор учун шифохона харажатлари аниқ ҳисоб-китобларга кўра ўртача 3 355 800 сўмгача

иктисод қилиниши мумкин. Агар 20–22 нафар бемор ҳисобга олинса, умумий иқтисодий самарадорлик йилига тахминан 67 116 000 сўмни ташкил этади. Хулоса: ушбу илмий янгиликдан фойдаланган ҳолда эрта ташхис ва мақсадли жарроҳлик тактикаси амалга оширилиши болаларда келгусида ривожланиши мумкин бўлган асоратлар ва ортикча босқичли амалиётлар учун сарфланадиган маблағларни сезиларли иқтисод қилишга имкон беради.

иккинчи илмий янгилик: қуйи аноректал нуқсонларда таклиф қилинган бир босқичли техник такомиллаштирилган аноректопластика усуллариининг хирургик самарадорлиги операция вақтини  $89,4 \pm 9,82$  дақиқага, қон йўқотиш ҳажмини  $108,6 \pm 36,7$  мл гача камайтириши, асоратланиш даражасини 25,0% дан 10,2% гача камайтириш, функционал натижаларни 1,5 марта ошириш имконини берганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 декабрда бi-87/и-сон билан тасдиқланган “Чақалоқларда анус атрезиясини ташхислашда трансперинеал эхосонография усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 29 январдаги 16-сон ва Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 14 февралдаги 12/к-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 16 апрелдаги 000122-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: бир босқичли такомиллаштирилган аноректопластика усули қуйи аноректал нуқсонларда операция вақти, қон йўқотиш ҳажми ва асоратланиш даражасини камайтириш ҳамда қониқарли функционал натижаларга эришиш имконини берган. Бу эса болаларда қайта операция эҳтиёжини камайтиради, асоратлар орқали узок муддатли даволашга бўлган эҳтиёжни қисқартиради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: такомиллаштирилган бир босқичли усулда операция вақти анъанавий усулдаги тахминан 120 дақиқадан 89,4 дақиқагача қисқаради. Бу 30,6 дақиқалик тежамкорликка тўғри келади. Операцион блокда 1 дақиқанинг қиймати 12 432 сўм деб белгиланганда, вақт ҳисобидан ҳар бир беморга тахминан 380 419 сўм иқтисод шаклланади. Вақтнинг қисқариши анестезиологик воситалар, дори-дармон сарфи ва операцион жамоанинг иш вақти харажатларини ҳам автоматик равишда камайтиради. Қон йўқотиш ҳажми анъанавий ёндашувдан 50% а камйиши қон қуйиш эҳтиёжини бартараф қилади, қон билан боғлиқ бевосита харажатлар ҳар бир бемор учун қисқаради, шу билан бирга гемотрансфузия билан боғлиқ хавфлар ҳам камаяди. Асоратланиш даражаси такомиллаштирилган усулда пасайиши, қайта операциялар, узок койка-кун ва кўшимча дори воситаларига эҳтиёжни сезиларли равишда қисқартиради. Бир асоратни бартараф этиш ўртача 3 000 000 сўмга тушиши эътиборга олинса, асоратлар 14,8% га камйиши 100 нафар бемор кесимида 45 000 000 сўмлик тежамкорликка тўғри келади, бу бир беморга ҳисоблаганда ўртача 450 000 сўм иқтисод қилиш имконини беради. Хулоса: анъанавий кўп босқичли ёндашувга нисбатан такомиллаштирилган бир босқичли аноректопластика тиббий натижаларни яхшилаш билан бирга, вақт, қон маҳсулотлари, асоратларни

бартараф этиш ва реабилитация бўйича харажатларни изчил қисқартиради. Бу эса муассаса бюджети учун барқарор тежамкорликни таъминлайди.

учинчи илмий янгилик: узоқ муддатли кузатувларда BCS ( $11,61 \pm 4,41$ ) ҳамда PedsQL ( $91,0 \pm 3,2$ ) шкалалари натижаларида узвий коррелятив боғлиқлик мавжудлиги таклиф қилинган тактик ва техник ёндашувларнинг беморларда функционал самарадорлик ва ҳаёт сифатини яхшилаши исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 декабрда б1-87/и-сон билан тасдиқланган “Чақалоқларда анус атрезиясини ташхислашда трансперинеал эхосонография усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 29 январдаги 16-сон ва Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 14 февралдаги 12/к-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 16 апрелдаги 000122-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: узоқ муддатли кузатувларда беморларда континенция ва ҳаёт сифати шкалаларига кўра баҳолаш натижалари орасида узвий коррелятив боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. Бу ҳолат такомиллаштирилган аноректопластика усуллариининг беморларда нафақат функционал самарадорликни ошириш, балки ҳаёт сифатини ҳам сезиларли даражада яхшилашини исботлайди, беморларда ижтимоий мослашув ва ҳаётий фаолиятнинг барқарор сақланиши келгусида жамиятга тўлиқ мослашувига хизмат қилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: PedsQL натижаларига асосланиб, ҳаёт сифати индекси (utility index) такомиллаштирилган усулда 0,91, анъанавий усулда эса 0,78 деб баҳоланган. Бу фарқ йилига 0,13 индекс-йилга тенг бўлиб, 5 йиллик кузатув даврида 0,65 QALY (Quality-Adjusted Life Year – сифатга мослаштирилган ҳаёт йили) қўшимча ютуқ беради. 3% дисконт (келгуси йиллардаги қийматни ҳозирги нархда ҳисобланганда) қўлланганда  $\approx 0,60$  QALY сақланади. QALY ютуқ деганда бемор даво ёрдамида ҳаётни нафақат узоқроқ, балки юқори сифатда ўтказиши тушунилади. Операция вақти қисқариши, қон маҳсулотлари сарфи ва асоратлар камайиши бир беморга ўртача 1 530 419 сўмни ташкил қилган. Узоқ муддатли жиҳатдан ҳаёт сифати ошиши натижасида йиллик парвариш ва реабилитация харажатлари тахминан 1 250 000 сўмга камайган. Беш йиллик ҳисобда (3% дисконт билан) бу  $\approx 5\,725\,000$  сўм қўшимча тежам берган. Умумий иқтисодий самара бир бемор ҳисобида  $\approx 7\,255\,000$  сўмга тенг бўлиб, шу билан бирга  $\approx 0,60$  QALY қўшимча ютуқни таъминлайди. Иқтисодий талқинга кўра, техик такомиллаштирилган усулланинг татбиқ қилиниши харажатларни камайтиради ва бир вақтнинг ўзида QALY кўрсаткичини оширади. Бир қўшимча QALY учун ҳисобланган пул самараси тахминан 12,1 млн сўмни ташкил қилади. Хулоса. Такомиллаштирилган аноректопластика усуллари анъанавий усулларга нисбатан беморларда ҳаёт сифатини ошириб,  $\approx 0,60$  қўшимча QALY ютуқ ва ўртача  $\approx 7,26$  млн сўм иқтисодий тежамни таъминлайди.

тўртинчи илмий янгилик: аноректал мальформациялар диагностикасида

замонавий визуализация ва хирургик даволашда такомиллаштирилган бир босқичли радикал усулларни ўз ичига олган диагностик-тактик алгоритмнинг самарадорлиги асоссиз хирургик аралашувлар сони, асоратлар хавфини камайтириши ва узок муддатли клиник ҳамда функционал натижаларни яхшилаш имконини бериши билан асосланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 декабрда б/87/и-сон билан тасдиқланган “Чақалоқларда анус атрезиясини ташхислашда трансперинеал эхосонография усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 29 январдаги 16-сон ва Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 14 февралдаги 12/к-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 16 апрелдаги 000122-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: алгоритм асосида амалга оширилган эрта ва аниқ ташхис ҳамда оптимал жарроҳлик тактикаси болаларда асоратларнинг олдини олиб, уларнинг соғлом ўсишига имкон беради, ногиронлик ва узок муддатли парваришга бўлган эҳтиёжнинг камайтириши орқали ижтимоий самарадорликни таъминлайди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: рентгенографиянинг бир беморга тўғри келадиган қиймати 172000 сўм, трансперинеал ультрасонография (ТУС) эса 21000 сўм экани кўрсатилган; бир муассасада йиллик 22 бемор текширилганда, умумий харажатлар мос равишда 3784000 ва 462000 сўм бўлади. Демак, усуллар орасидаги фарқ - 3322000 сўм/йил, яъни ТУС га ўтиш ҳисобидан бевосита диагностика харажатлари кескин қисқаради. Шу билан бирга, ТУС нинг сезувчанлиги юқори бўлиб, бу эрта ва аниқ тасниф орқали кейинги асоссиз манипуляциялар хавфини камайтиради ва умумий сарфни янада камайтирдаи. Бир босқичли техник ёндашувда асоратлар даражасининг 25,0% дан 10,2% га пасайиши битта асоратни бартараф этишнинг ўртача  $\approx 3\,000\,000$  сўм эканини инобатга олганда, бу  $\approx 45\,000\,000$  сўм/100 бемор (ёки  $\approx 450\,000$  сўм/бемор) тежамга тенг бўлади. Хулоса. Алгоритмнинг визуализация қисми бўйича диагностик харажатлар  $\approx 3,32$  млн сўм/йил, хирургик қисми бўйича эса ҳар бир бемордан  $\approx 1,53$  млн сўмгача маблағни иқтисод қилиши операция учун ресурслар тежалишини таъминайди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 5 та мақола, улардан 4 та республика ва 1 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Қуйи аноректал мальформацияларни ташхислаш ва хирургик даволашнинг замонавий стратегиялари**» деб номланган биринчи бобида болаларда аноректал мальформациялар эмбриогенезида патогенетик хатар омиллари, хирургик даволашнинг тарихий эволюцияси, уларнинг диагностикасига замонавий ёндашувлар ва хирургик даволашнинг замонавий истиқболлари, шунингдек, операциядан кейинги асоратлар, болаларнинг ҳаёт сифати ва ичакнинг функционал ҳолатини баҳолаш усуллари бўйича илмий маълумотлар чуқур таҳлил қилинган, танқидий баҳоланган, умумлаштирилган ва тизимлаштирилган, ўз ечимини топиши лозим бўлган долзарб масалалар ўрганилган. Ўтказилган адабиётлар таҳлили натижаларига асосан ушбу муаммо бўйича ечилмаган вазифалар белгиланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида объектларни ва тадқиқот усуллари тавсифлашга бағишланган. Тадқиқот иши Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (АВБКТТМ) хирургия бўлимига 2015-2024 йиллар давомида АРМ қуйи турлари билан хирургик даволанган 127 та чақалоқлар ва гўдақларда визуализация усуллари, шунингдек бир босқичли радикал жарроҳлик усуллари самарадорлигини таҳлил қилинган (1-рasm).



1-рasm. Тадқиқот дизайни

Назорат гуруҳида ташриҳ ўтказилган даврда жами бемор болаларнинг 29 (22,8%) таси чақалоқларга, 20 (15,7%) таси эса 1-12 ойлик болаларга тўғри келган бўлса, асосий гуруҳда бу кўрсаткич мос равишда 24 (18,9%) ва 15 (11,8%) тани ташкил қилган. Ҳар икки гуруҳда ҳам ўғил болаларнинг хиссаси (назорат–49 та, 38,6%; асосий–39 та, 30,7%) қиз болалардан (назорат–19 та, 15,0%; асосий–20 та, 15,7%) кўпроқ эканлиги аниқланди.

Krickenbeck таснифига кўра аноректал нуқсонларнинг тадқиқот гуруҳлари бўйича тақсимооти 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Тадқиқот гуруҳларида қуйи аноректал мальформацияларининг шаклига кўра қиёсий таҳлили (Krickenbeck таснифи, 2005 й.)**

Асосий клиник гуруҳлар	Назорат гуруҳи (n=68)				Асосий гуруҳ (n=59)				Жами	
	ўғил		қиз		ўғил		қиз			
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Перинеал оқма	9	7,1	2	1,6	8	6,3	4	3,1	23	18,1
Вестибуляр оқма	-	-	5	3,9	-	-	11	8,7	16	12,6
Оқмасиз АРМ	38	29,9	12	9,4	26	20,5	4	3,1	80	63,0
Анал стеноз	2	1,6	-	-	5	3,9	1	0,8	8	6,3
Жами	49	38,6	19	15,0	39	30,7	20	15,7	127	100,0

Назорат гуруҳида АРМ нинг ано-, ва ректоперинеал оқмали шакллари ўғил болаларда 9 (7,1%) та, уларнинг 3 (2,4%) нафари ректоскротал оқма, қиз болаларда 2 (1,6%) тани, асосий гуруҳда эса мос равишда 8 (6,3%) та ва 4 (3,1%) тани ташкил қилган. АРМ нинг ректовестибуляр шакли энг кўп учраган бўлиб, асосий гуруҳдаги қиз болаларнинг 11 (8,7%) нафарида, назорат гуруҳидаги қиз болаларнинг 5 (3,9%) тасида аниқланган. Ҳар икки гуруҳда ҳам анус, тўғри ичак атрезиясининг алоҳида ёки бирга келган оқмасиз тури кўпроқ учраган ва мос равишда 31,5% ва 23,6% ни ташкил қилган. Қуйи оқмали аноректал мальформация турига кўра ҳар икки тадқиқот гуруҳларида бир босқичли анус реимплантацияси ва/ёки превентив колостомиядан кейинги реконструктив аноректоплатсика амалиётлари ўтказилган (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Тадқиқот гуруҳларидлаги беморларнинг жинси ва қуйи аноректал мальформация шаклига кўра ўтказилган операцияларлар**

Қуйи АРМ шакли	Операция тури	Назорат гуруҳи				Асосий гуруҳ				Жами	
		ўғил		қиз		ўғил		қиз			
		абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Оқмасиз шакли	Dieffenbach	38	55,9	12	17,6	26	44,1	4	6,8	80	63,0
	Hartman	2	2,9	-	-	5	8,5	1	1,7	8	6,3
Оқмали шакли	Stone-Benson	2	2,9	4	5,9	2	3,4	2	3,4	10	7,9
	Solomon	6	8,8	1	1,5	4	6,8	-	-	11	8,7
	Romualdi	1	1,5	2	2,9	-	-	-	-	3	2,4
	ASARP	-	-	-	-	2	3,4	13	22,0	15	11,8

Тадқиқотда қуйи АРМ билан туғилган болалар клиник кўриқдан ўтказилган, инструментал усуллар-инвертография, фистулография, электромиография қўлланган, шунингдек хавфсиз ва ишончли ҳисобланган прон-латерал рентгенография ҳамда трансперинеал сонография ўтказиш услубияти батафсил баён қилинган. Олинган натижалар SPSS дастурида статистик таҳлил қилинган, ROC-таҳлил, корреляция ва регрессия усуллари ёрдамида функционал кўрсаткичлар билан ҳаёт сифати ўртасида боғлиқлик асослаб берилган.

Диссертациянинг «Аноректал малформацияларнинг диагностик визуализациясида анъанавий ва замонавий ёндашувларнинг қиёсий таҳлили» деб номланган учинчи бобида АРМ нинг қуйи оқмасиз шакли тасдиқланган ҳамда асосий тадқиқот гуруҳига киритилган жами 30 нафар чақалоқларда анъанавий усул сифатида Вангенстин–Какович бўйича инвертография, шунингдек такомиллаштирилган прон-латерал рентгенография (ПЛР) ҳамда трансперинеал ультрасонография (ТУС) қиёсий таҳлил қилинган ва бу визуализация усуллариининг диагностик самарадорлиги асосланган.

Ҳар икки рентгенологик усулда олинган тасвирлар таҳлили шуни кўрсатдики, 26 та ҳолатда (89%) тўғри ичакнинг юмук дистал охириининг чуқурлигига оид натижалар бир-бирига мос келган, 4 та ҳолатда (13,3%) эса иккала усулдаги хулосалар фарқ қилган. Аниқроқ қилиб айтганда, 3 та беморда инвертограмма натижасига кўра АРМ нинг ўрта шакли ташхисланган, аммо прон-латерал рентгенография натижалари, аксинча, бу чақалоқларда АРМ қуйи шаклининг шубҳасиз натижаларини кўрсатган. Биз томонимиздан ҳар икки усулда категориал маълумотлар ва диагностик кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили ўтказилди (3-жадвал).

### 3-жадвал.

#### АРМ қуйи шакли гумон қилинган болаларда инвертография ва прон-латерал рентгенография усуллариининг диагностик самарадорлигининг қиёсий таҳлили

Рентгенологик текширув усули	Қуйи АРМ белгилари				RR	95%CI	Pφ
	мусбат		манфий				
	abs	%	abs	%			
Инвертография (n=30)	21	70,0	9	30,0	0,69	0,52-0,91	<0,01
Прон-латерал Ro-графия (n=30)	29	96,7	1	3,33			

Изоҳ: RR-нисбий хавф кўрсаткичи; 95%CI – 95% ли ишонарлилиқ интервали; Pф – Фишер бўйича статистик фарқланиш

Таҳлил натижаларига кўра, инвертография усулида 21 (70,0%) беморда тўғри ташхис қўйилган, 9 (30,0%) ҳолатда эса манфий натижа қайд этилган. Шунингдек, ПЛР да 29 (96,7%) та беморда тўғри мусбат натижа қайд этилган, фақат битта ҳолатда (3,33%) нотўғри манфий натижа кузатилган. Таъкидланганидек, ҳар икки усул бир-бири билан Фишер тести орқали статистик жиҳатдан солиштирилган бўлиб, инвертографияда тўғри ташхис қўйиш эҳтимоли ПЛР га нисбатан 23% га пастлиги аниқланди. Олинган



натижалардан келиб чикиб, ПЛР усули клиник амалиётда инвертографияга нисбатан сезиларли даражада самарали эканлиги тасдиқланди.

Шунингдек, чақалоқларда ультратовуш усуллари орқали АРМ шаклини аниқлашда, айнан ТУС усули самарадорлигини ва унинг клиник амалиётдаги қўлланилиш имкониятлари баҳоланди. Бунинг учун чақалоқлар махсус тайёргарликсиз, чалқанча ётқизилган ҳолда реал вақт режимида трансперинеал йўл билан текширилди (2-расм).



**2-расм. Бемор М. 28.08.2022 й.т. К/т: №2747/237. ТУС: АРМ қуйи шакли**

Сонограммада хаво билан тўлган дистал ректал “чўнтак” ва оралик териси ўртасидаги масофа 10 мм чегара қиймат сифатида қабул қилинган ва бу қуйи турдаги анус атрезиясини ташхислаш учун асос бўлиб хизмат қилган. ПЛР ва ТУС ларнинг диагностик самарадорлигини баҳолаш учун нопараметрик статистика усулларида Kruskal - Wallisнинг бир омилли дисперсион таҳлили ёрдамида солиштирилди (4-жадвал).

#### 4-жадвал


#### Тадқиқот гуруҳларидаги чақалоқларда тўғри ичак охири-оралик масофанинг рентгенологик ва ультрасонографик кўрсаткичлари

АРМ қуйи шакли	Тўғри ичак охири-оралик масофаси, мм						
	ПЛР				ТУС		
	n	μ	M±SD	p*	μ	M±SD	p*
Оқмасиз	13	33,1	27,6±16,0	0,135	12,9	11,3±6,41	0,01
Ректоперинеал оқма	3	20,1			8,2		
Ректовестибуляр оқма	4	28,8			11,2		
Жами	20	27,3			10,8		

Изоҳ: μ - ўртача арифметик қиймат; p - Kruskal - Wallis мезони бўйича фарқланиш

ПЛР да умумий ўртача масофа 27,6±16,0 мм ни ташкил этган бўлса, ТУС да эса умумий ўртача масофа 11,3±6,41 мм бўлиб, оқмасиз турда 12,9 мм, ректоперинеал оқмали турда 8,2 мм ва ректовестибуляр оқмали турда 11,2 мм деб қайд этилди ва фарқланиш статистик жиҳатдан аҳамиятли эканини кўрсатди (p=0,01). Ушбу натижалардан келиб чикиб, ТУС АРМ қуйи шаклини аниқ кўрсатувчи юқори ташхисий аҳамиятга эга усул сифатида намоён бўлди.

Таклиф қилинаётган ҳар икки усулнинг диагностик сезувчанлиги ва махсуслиги ROC-таҳлил орқали баҳоланди (2-расм).



**3-расм. Қўйи АРМ шаклини ташхислашда ROC-таҳлил: прон-латерал рентгенография, нинг қиёсий кўрсаткичлари**

Ушбу усул ёрдамида ҳар бир диагностик тестнинг сезувчанлик ва махсуслик кўрсаткичлари қиёсий равишда кўрсатилди ҳамда уларнинг аниқ ташхис қўйиш имкониятлари аниқланди. Инвертография маълум даражада ишончли бўлса-да, унинг сезувчанлиги 83% атрофида қолди. Бу чеклов клиник амалиётда жарроҳлик тактикасининг асоссиз ўзгариши эҳтимолини ошириши мумкин. Аксинча, прон-латерал рентгенография сезувчанликнинг 97% ва махсусликнинг 100% кўрсаткичлари билан ташхисий аниқликка эга бўлиб, анъанавий усулга нисбатан устунлик қилди. Таҳлил натижаларига кўра ТУС учун AUC қиймати юқори (0,92) бўлиб, бу унинг анус атрезиясини ташхислашдаги сезувчанлиги юқори эканини кўрсатади, яъни ТУС 92% ҳолатларда тўғри ташхис қўйиш имкониятини беради. ПЛР нинг AUC қиймати пастроқ (0,58) бўлиб, бу унинг сезувчанлик ва аниқлик даражаси эхосонаграфияга нисбатан паст эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ПЛР анъанавий усулларга нисбатан юқори самарадорликка эга, ТУС эса ташхисий аниқлик, хавфсизлик ва иқтисодий самарадорлик жиҳатидан энг мақбул усул сифатида намоён бўлади. Ушбу усуллар орқали аноректал мальформацияларни эрта ва ишончли ташхислаш имконияти оширилиб, жарроҳлик тактикасини тўғри белгилаш ва асоратлар хавфини камайтиришга эришилади.

Диссертациянинг «Қўйи аноректал туғма нуқсонларда хирургик даволаш натижалари ва ҳаёт сифатини яхшилаш омиллари» деб номланган тўртинчи бобида АРМ нинг қўйи шакллари билан ётқизилган жами 127 нафар чақалоқлар ва гўдакларда ўтказилган хирургик даволаш натижалари таҳлил қилинди. Ўтказилган ретроспектив таҳлил хулосаларига кўра АРМ бўйича ўтказилган операциялардан сўнг асоратланиш ва қониқарсиз натижаларнинг кузатилганлиги туфайли ушбу нуқсон билан туғилган болаларда диагностик ва даволаш алгоритми ишлаб чиқиш, яқин ва узоқ муддатларда континенция функцияси, ҳамда қониқарли ҳаёт сифатини таъминловчи, аъзони сақлаб қолишга қаратилган радикал жарроҳлик коррекция усулларини танлаш ва


асослаш мазкур тадқиқотнинг асосий йўналиши ҳисобланди. Тадқиқотда радикал, кам жароҳатли хирургик усулларни асослаш учун биз томонимиздан айрим техник ёндашувлар такомиллаштирилди. Таклиф қилинган усуллар моҳиятига кўра окмасиз шаклларда Dieffenbach, окмали шаклларида эса олдинги сагиттал аноректопластика операциясининг модификациялари ҳисобланди. 4-расмда техник такомиллаштирилган Dieffenbach операцияси техникаси кўрсатилган.



**4-расм. Техник такомиллаштирилган Dieffenbach операцияси босқичлари**

Анъанавий усулдан фарқли равишда, анопластикадан олдин, кўшимча сфинктеропликация амалиёти бажарилди. Бу модификация сфинктер атрофидаги мушак тўқималарига алоҳида узлуксиз чоклар қўйиш орқали амалга оширилди. Кейинги босқичда чоклар икки томондан тортилади ва бурмалар ҳосил қилинади. Натижада сфинктернинг мушак массаси функционал жиҳатдан қувватланади. Бу эса континенцияни сақлаш имкониятини оширади.

Нуқсоннинг окмали турларида таклиф қилинаётган олдинги сагиттал аноректопластика операциясида анъанавий усулдан фарқли равишда сфинктернинг олдинги девори бутунлиги бузилмайди (5-расм).



**5-расм. Техник такомиллаштирилган олдинги сагиттал аноректопластика операцияси босқичлари**

Okada таклиф қилган анъанавий амалиётда эса тўғри ичак ва қин девори ўткир йўл билан кесиб ажратилади. Мобилизацияланган ичак вертикал мушаклардан ҳосил қилинган “эгат” га жойланади ва мушаклар тўғри ичакни қамраб олган ҳолда бир-бирига яқинлаштирилиб, тикилади. Таклиф қилинаётган усулда ташқи сфинктер олдинги девори кесилмасдан, мушак ҳалқасида тешик ҳосил қилинди. Тешик бужлаш орқали кенгайтирилади, ҳосил қилинган канал орқали тўғри ичак ораликқа чиқарилади, сўнг анопластика ўтказилади. Бундай техник ёндашув иккиламчи сфинктер етишмовчили хавфини камайтириш ва функционал натижаларни таъминлайди.


Амалга оширилган хирургик даволаш самарадорлиги, асосан, интраоперацион ва операциядан кейинги яқин муддатда салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар таҳлили асосида баҳоланди (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Интраоперацион ва операциядан кейинги яқин муддат кўрсаткичари**


Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=68)	Асосий гуруҳ (n=59)	t	P
	M±SD	M±SD		
Операция давомийлиги, мин	96,2±11,1	89,4±9,82	3,66	<0,001
Қон кетиш ҳажми, мл	219,8±52,0	108,6±36,7	14,05	<0,001
Операциядан кейининги оғриқ-сизлантириш давомийлиги, сут	6,71±0,74	4,6±0,91	14,2	<0,05
Перистальтика тикланиши, сут	4,1±0,93	3,8±0,6	2,19	>0,05

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, операция давомийлиги назорат гуруҳида ўртача 96,2±11,1 дақиқа, асосий гуруҳда эса статистик аҳамиятли фарқланиш билан 89,4±9,82 дақиқани ташкил этди ( $p<0,001$ ). Қон йўқотиш ҳажми ҳам гуруҳлар орасида кескин фарқ қилган: назорат гуруҳида 219,8±52,0 мл, асосий гуруҳда эса 108,6±36,7 млни ташкил қилган ( $p<0,001$ ). Операциядан кейинги асоратлар таҳлили шуни кўрсатдики, хирургик асоратлар назорат гуруҳида 17 та ҳолат (25,0%) да қайд этилган бўлса, асосий гуруҳда уларнинг сони 6 та (10,2%) ни ташкил этган (6-расм).



**6-расм. Операциядан кейинги асоратланиш кўрсаткичи**


